

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 22 май, № 102 (6285) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*21 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

Депутатлар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Даставвал Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг йиғилишлари ўтказилиб, уларда қуйи палата мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар дастлабки тартибда кўриб чиқилганди. Қонун лойиҳаларининг ҳар томонлама муҳокамаси натижалари бўйича уларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган ва тавсиялар берилган эди.

Депутатлар ўз ишларини янги таҳрирдаги **Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг лойиҳаси**ни биринчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Халқаро стандартларга мос келадиган божхона ишининг ягона қонунчилик базасини янада шакллантириш, божхона маъмуриятчилигининг барча босқичлари ва даражаларида ҳуқуқий нормалар ҳамда ёндашувларнинг бир хил шаклда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни божхона томонидан тартибга солишнинг уйғунлиги ва шаффофлигини ошириш мақсадида янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги, "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги, "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги бир қатор янги қонунлар қабул қилинганлиги билан ҳам боғлиқ бўлди.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон ва Индонезия парламентлари аъзолари учрашуви

ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Индонезия Республикаси парламенти Минтақалар вакиллари кенгаши раиси Ирман Гусман раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ва Индонезия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Индонезия Республикасининг сиёсий доиралари вакиллари Ўзбекистонда 2014 ва 2015 йилларда бўлиб ўтган парламент ҳамда Президент сайловларини кузатиб борди.

**(Давоми 2-бетда).**

# БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

*Мустақилликнинг илк кунлариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, ўғил-қизларимизнинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Болаларни ёзги соғломлаштириш йўналишида олиб борилаётган ишлар шулар жумласидандир.*

**«ТАЪТИЛ — 2015»**

Ўзбекистоннинг ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги тажрибаси, ўз навбатида, халқаро экспертлар ва нуфузли ташкилотлар томонидан мунтазам эътироф этилаётир. Зеро, давлат ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатлари ва имкониятларини болаларни сифатли дам олдириш ҳамда соғломлаштиришни таъминлашга йўналтириш амалиёти дунёнинг камдан-кам мамлакатида мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори билан ушбу йўналишдаги ишлар тизимлилигини таъминлаш мақсадида Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича доимий фаолият юритувчи Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи ташкил этилгани айни муддао бўлди. Республика ва ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар аъзолари ҳар бир ҳудудда мавсумнинг намунали ҳамда уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш бўйича самарали фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилда ҳам мамлакатимизда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ҳозирлик кўрилди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ихтисослаштирилган оромгоҳларни кўпайтириш ва улар фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Айни чоғда тайёргарлик жараёни фақат мавсум давомидагина эмас, балки йил мобайнида назорат қилиб борилаяпти. Тайёргарлик босқичи Республика комиссияси томонидан икки маротаба, жойлардаги комиссиялар томонидан уч-тўрт марта муҳокама этилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Оромгоҳларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларда замонавий шарт-шароитларни яратишга қаратилган чора-тадбирлар ҳам диққатга сазовор. Республика оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурлари асосида 9 та оромгоҳ янгидан қурилди, 27 тасида реконструкция ишлари олиб борилди ва 45 та оромгоҳ капитал таъмирланди. Жумладан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Бўстонлиқ туманида "Ниҳол", Навоийда "Ишонч", Наманганда "Камалак", "Норин", Самарқандда "Чорчинор", Хоразмда "Шодлик" оромгоҳлари барпо этилиб, изчил фаолияти йўлга қўйилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати саъй-ҳаракати билан Жиззахда "Истиқлол", Ички ишлар вазирлиги томонидан Бўстонлиқ туманида "Оқтош" оромгоҳлари барпо этилди. Натижада оромгоҳлардаги ўринлар сони 4 минг 856 тага кўпайди.

**(Давоми 4-бетда).**

## «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендининг нуфузи ортмоқда

*Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Рўёбга чиқарилаётган ҳар бир лойиҳа иқтисодий тараққиётимизни мустаҳкамлаш баробарида, халқимиз манфаати, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Буни темир йўл тизимидаги ўзгариш ва янгиланишлар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.*

ФАХР



Зеро, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акциядорлик компанияси томонидан тизимни ривожлантириш, ташувларнинг ишончлилигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришга илғор ғояларни қўллаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар замирида ана шундай эзгу мақсадлар мужассам. Сўнгги йилларда мазкур соҳа вакилларининг фидойи меҳнати туфайли 1400 километрга яқин янги темир йўл линиялари барпо этилиб, қарийб 4000 километрлик темир йўл модернизация қилинди, электрлаштирилган темир йўлнинг умумий узунлиги 1630 километрдан ошди.

— Дарҳақиқат, ҳозирги кунда юртимиз темир йўл тизимида ўзига хос тажрибага эга давлатлардан бирига айланмоқда, — дейди компаниянинг стратегик ривожланиш бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Пўлатов. — Бу, албатта, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, янги йўлларни қуриш орқали транспорт йўлакларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнини модернизациялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, ана шу жараёнда "Toshkent yo'lovchi vagonlarini qurish va ta'mirlash zavodi" акциядорлик жамияти ҳам фаол иштирок этмоқда. 2001 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Япониянинг Ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида имзоланган кредит битими асосида ташкил қилинган ушбу заводда дастлаб йўловчи вагонлари таъмирланган бўлса, мавжуд цехлар Германия, Япония, Нидерландия, Польша, Буюк Британия, Финляндия, Канада сингари давлатлардан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозлангач, унинг имкониятлари янада кенгайди. Хусусан, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган вагон" лойиҳаси устида олиб борилган изланишлар натижасида 2009 йилдан бошлаб, "61-907" русумидаги совитиш ускуналари билан жиҳозланган "купе" туридаги вагонлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Орадан икки йил ўтиб эса, худди шу вагонларнинг очиқ турдагисини тайёрлаш йўлга қўйилди. Кейинчалик улар сафига тезюрар поездларга мўлжалланган 48 ўринли янги вагон, вагон-ресторан, вагон-тележкалар қўшилди. Энг қувонарлиси, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сертификатлар олинди. Айни пайтда заводда бутунлай янги русумдаги 10 дан зиёд йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар қаторида ўзига хос қулайлик ва дизайнга эга бўлган купе, плацкарт, сайёҳларга мўлжалланган махсус вагонлар, шунингдек, йўллар сифатини назорат қилувчи ҳаракатланиш воситалари мавжуд.

**(Давоми 2-бетда).**

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

Президентимизнинг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ишбилармонларимиз учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

## Тадбиркорликнинг ишончли ҳимояси

*Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланмоқда. Бунда барча тармоқларда хусусий мулкнинг аҳамиятини ошириш, мулкдорлар ўз фаолияти давомида дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир.*

*Буни соҳа вакилларининг қуйидаги дил сўзлари ҳам яққол тасдиқлайди.*

**Раъно НИШОНОВА, Гулистон шаҳридаги "Гули Раъно нур жилоси" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Президентимизнинг мазкур Фармони биз, тадбиркорларга бўлган беқиёс ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Чунки бу ҳужжатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни сифат жиҳатидан тараққий эттириш учун барча зарур шарт-шароитни яратиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, ривожланиш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида ўттиз учта аниқ чора-тадбирни ўз ичига олган комплекс дастур тасдиқлангани диққатга сазовор.

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида ҳаётга татбиқ этилаётган бу каби дастурлар ишбилармонлар сафи кенгайиб, мулкдорларнинг янги синфи шаклланишида муҳим омил бўлмоқда. Бизнинг олти йил муқаддам ташкил қилинган корхонамиз бунга мисол бўла олади.

Ўтган ана шу қисқа давр, айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш ва тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон андозаларига мослаштириш палласи бўлди. Даромадимиз ҳам шунга яраша ошиб бориши натижасида фаолиятимизни кенгайтириб, 2013 йилда корхонамиз қошида "Асл нур файз" масъулияти чекланган жамиятини ташкил этдик. Ҳозирги кунда Мирзаобод туманида жойлашган ушбу корхонада 40 дан зиёд турдаги юмшоқ мебеллар тайёрланаяпти.

**(Давоми 3-бетда).**

## ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

*Тошкент шаҳрида 21 май куни Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 22-ялпи мажлиси бошланди.*

Халқаро амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, террористик тузилмалар шароитлар ўзгаришига тез мослашиб, ўз фаолиятини молиялаштиришнинг янги йўлларини топмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятидан ўз вақтида самарали чораларни кўриш, уларнинг йўлига тўсиқ қўйиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни талаб этмоқда.

Шу мақсадда Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда молиявий чораларни ишлаб чиқувчи халқаро ҳукуматлараро гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Саккизта минтақавий гуруҳни ўз таркибида бирлаштирган ушбу ягона халқаро тармоқ жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида глобал стандартларни ишлаб чиқади, миллий тизимларнинг мазкур стандартларга мувофиқлигини таъминлайди.

2004 йилда Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи ташкил этилган эди. Унга минтақанинг 9 давлати, жумладан, Ўзбекистон аъзо бўлган. Яна 14 мамлакат, 18 халқаро ва минтақавий ташкилотга гуруҳда кузатувчи мақоми берилган.

Шу кунларда пойтахтимизда ушбу ташкилотнинг навбатдаги ялпи мажлиси ўтказилмоқда.

Мажлисда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар ва кузатувчилар делегациялари, жумладан, Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ, ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси, МДҲ Аксилтеррор маркази, ЕХҲТ вакиллари, шунингдек, Италия, Польша, АҚШ, Франция ва Черногориядан экспертлар иштирок этмоқда.

Мажлисни Евроосиё гуруҳи раиси Ажай Тьяги (Ҳиндистон) бошқармоқда.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И. Абдуллаев, Ҳиндистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари Р. Мехриши ва бошқалар сўзга чиқди.

Евроосиё гуруҳи томонидан катта ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Ташкилотга аъзо барча давлатларда бу борада зарур ҳуқуқий асослар яратилиб, молиявий разведка институтлари ташкил этилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Инновация ва тараққиёт

*Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги "Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан саккизинчи марта ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ўз ишини якунлади.*



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида уч кун давом этган бу галги тадбир юксак савия ва ишчан руҳда ўтди, дейиш учун асослар етарли. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган олий таълим, илмий тадқиқот муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, кичик инновация корхоналари ва ихтирочиларнинг қарийб 500 та ноёб ишланма ҳамда технологияси тақдим этилгани, уларни амалиётга жорий қилиш бўйича, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 25 миллиард сўмликдан зиёд 1200 дан ортиқ шартномалар имзолангани бунинг яққол тасдиғидир.

Сир эмаски, ихтиролар, иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиладиган ишланмалар илмий тадқиқот учун қулай шарт-шароит яратилган, илм аҳли фаолияти қўллаб-қувватланаётган жойдагина юзага чиқади. Зеро, халқимиз игна билан қудуқ қазишга менгзайдиган бу машаққатли юмуш кишидан алоҳида қунт, катта матонатни талаб этади.

**(Давоми 3-бетда).**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

— Янги таҳрирда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси амалдагисидан концептуал жиҳатдан фарқ қилади, — дейди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси И. Ҳожиев.** — Кодекс лойиҳаси мамлакатимиз ҳудудида самарали божхона назоратини таъминлаш ва товар айирбошлашни тартибга солиш, ташқи савдони ривожлантириш ҳамда ташқи савдо операцияларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қабул қилиниши ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулай шароитларни яратади.

— Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларига, товар белгиларига, хизмат белгиларига бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқларининг эгасини, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи эгасини ҳимоя қилиш билан боғлиқ янги тартибнинг жорий этилаётганлигини янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасидаги муҳим ижобий жиҳат сифатида қайд этиш жоиздир, — дея таъкидлади **“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси А. Ҳамроев.** — Унда махсус муҳофаза қилиш чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига киритилиши назарда тутилган.

— Янги таҳрирдаги Божхона кодексининг лойиҳасида божхона тўловлари билан боғлиқ масалалар батафсилроқ тартибга солинган, — деди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Қ. Мирзаев.** — Лойиҳада божхона тўловларини тўлаш бўйича мажбуриятларнинг инсофли бўлиши ва тўхтатилиши жиҳатлари аниқ белгиланган, шунингдек, товарнинг бож қийматини аниқлаш ва баён қилиш масалалари ҳам қатъий тартибга солинган. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг инсофли иштирокчиларини ҳимоя қилиш мақсадида янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳасида ортиқча тўланган божхона тўловларини қайтариш тартиб-таомиллари батафсил ёзиб қўйилмоқда. Божхона тўловларининг тўланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, таъминлаш шароитлари ва миқдорлари белгилаб қўйилмоқда.

— Ягона ахборот маконини шакллантиришнинг умумжаҳон тенденциялари ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга мўлжалланган, — дея таъкидлади **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзоси Д. Тангиров.** — Шу муносабат билан лойиҳанинг махсус боби божхона ишида ахборот тизимлари ва ахборот технологиялари муаммоларига бағишланган бўлиб, уларни жорий этиш, қўллаш ва ҳимоя қилиш масалалари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, лойиҳага “ягона ойна” тамойили бўйича божхона тартиб-таомилларини татбиқ этишнинг янги механизми киритилган, бу эса ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун барча тўсиқларни бартараф этиш, сарф-харажатларни қисқартириш ва вақтни тежаш имконини беради.

Депутатлар, шунингдек **“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси**ни ҳам кўриб чиқдилар. Ҳужжат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, етакчи хорижий мамлакатларнинг тегишли ҳуқуқий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги норматив базани такомиллаштиришга, дори воситаларига нисбатан техник талабларни халқаро амалиёт билан уйғунлаштиришга, фармацевтика соҳасининг ривожланишига ғов бўлиб турган ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф этишга қаратилган.

Сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи таъкидладиларки, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳолини сифатли ва самарали дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашни янги босқичга кўтаради.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларининг асосий қоидалари ҳар томонлама муҳокамадан сўнг маъқулланди ва депутатлар уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Келиб тушган таклифларни инобатга олиб, ҳужжатларни кейинги ўқишга тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

# Ўзбекистон ва Индонезия парламентлари аъзолари учрашуви

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кузатувчилар сайлов кампаниясига юксак баҳо бериб, сиёсий тадбир демократик стандартларга мувофиқ ўтказилганини эътироф этишди.

Учрашувда парламентлараро алоқалар икки томонлама самарали сиёсий мулоқот учун муҳим омил бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Парламент аъзолари барча йўналишда икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди.

— Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни, айниқса, парламентлараро алоқалар йўналишида янада мустаҳкамлашни истаймиз, — деди Индонезия Республикаси парламенти Минтақалар вакиллари кенгаши раиси Ирман Гусман. — Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланмоқда, аҳолининг фаровонлиги юксалаётир. Индонезия Ўзбекистон билан барча соҳада ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоридир.

Томонлар парламент тажрибаси, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашишди.

**Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

САНА

*Наботот ва ҳайвонот олами ҳаётий манба ҳисобланади. Уларни асраб-авайлаш, келажак авлодга бекаму кўст етказиш ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бинобарин, 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди ва у бир йил ўтиб, халқаро ҳужжат сифатида кучга кирди. Кўплаб муҳим вазифалар белгилаб берилган мазкур Конвенция бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатлари томонидан ратификация қилинган. Шу муносабат билан ҳар йили 22 май — Халқаро биологик хилмахиллик куни сифатида нишонланиб келинади.*

# Биологик хилмахилликни сақлаш — давр талаби

Юртимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб, табиат муҳофазаси, экологик барқарорлик ва биохилмахилликни сақлаш, қайта тиклашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ҳамда институционал база яратилди. Конституциямизда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик экани, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, соҳага доир бир қатор қонунлар қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтаришга яна бир туртки берди. Ўз навбатида, Ўзбекистон кўплаб халқаро ҳужжатлар қатори, БМТнинг Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги Конвенциясига ҳам қўшилган.

Бугун юртдошларимиз Ватанимизнинг бетакрор наботот ва ҳайвонот олами билан ҳақли равишда фахрланади. Диёримизга ташриф буюрадиган сайёҳлар ҳам юртимизнинг азим тоғлар, чўллар, сув ҳавзалари, тўқайзорлар, боғу роғлар, бошқа маданий экотизимлар, уларда учровчи барча тирик организмлар мажмуидан таркиб топган биохилмахиллиги ўзига хос ҳамда ноёб эканлигини ҳамиша эътироф этадилар.

Она-табиатимизни ҳар томонлама ҳимоя қилиш — экологик барқарорликни таъминлашнинг асосий шартидир. Шундай экан, республикамизда биологик хилмахиллик объектларини асраб-авайлаш ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, улар яшайдиган муҳитни комплекс муҳофаза қилиш, шунга мўлжалланган ҳудудларни кенгайтириш, янгиларини бунёд этиш ва уларнинг иш самарадорлигини ошириш бўйича бир қанча юмушлар амалга оширилаяпти.

Бу борада ҳукуматимиз томонидан Биологик хилмахилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракатлар режаси қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, унда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини янгидан ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш, бундай ҳудудларда фаолият юритишнинг иқтисодий механизмларини халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда олиб бориш, биохилмахилликни муҳофаза қилиш ва унга зиён етказмасдан фойдаланишда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш каби устувор вазифалар кўрсатиб ўтилган. Уларнинг ижроси доимий диққат-эътиборда.

Маълумотларга кўра, юртимизда 15700 га яқин ҳайвон, 4500 та олий навли ўсимлик тури учрайди. Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар уларни сақлаш, қайта тиклаш ва фойдаланишда айни муддаодир. Шунинг учун ҳам бу каби маконларни янада кенгайтиришнинг аҳамияти катта.

Республикамизда табиий фауна турларини махсус кўпайтиришга ҳам биохилмахилликни таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилади. Ўз навбатида, диёримиз ўсимлик олами ноёблиги, шифобахшлиги билан ажралиб туради.

Мутахассисларнинг аниқлашича, юртимиз флораси таркибидаги турларнинг 700 таси эфир сақловчи ҳисобланади, 100 таси замонавий тиббиётда, 1500 таси эса халқ табобатида кенг қўлланилади. Демак, уларни сунъий усулда етиштириш кўлами кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Бугун давлат ва хусусий тадбиркорлик тизимидаги бир қатор субъектлар ушбу фаолият билан шуғулланиб келаётгани фикримизга мисолдир. Бу борадаги ишларни янада изчил давом эттириш биологик неъматлар, табиий мувозанатни сақлаш, иш ўринлари яратиш, иқтисодий самарадорликка хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кези келганда, шуни ҳам қайд этиш керакки, сўнгги йилларда турли табиий ва антропоген омиллар туфайли дунёда қурғоқчилик, чўлланиш, деградация каби муаммолар кузатилаётир. Оқибатда ҳайвонот ва наботот турлари сони камаймоқда, яшаш муҳитларидаги аҳвол янада кескинлашиб, биохилмахилликка путур етаётир. Мазкур вазият, албатта, ёввойи турлар муҳофазасини янада такомиллаштириш, мутахассислар, кенг жамоатчиликнинг масъулиятини кучайтиришни тақозо этади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлари гуруҳи, парламент қуйи палатасидаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзолари бу борадаги ишларга ҳисса қўшишни ўзлари учун устувор вазифа, деб билади.

Айни пайтда депутатлар томонидан соҳага оид қонунчилик нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлар олиб борилмоқда, уларнинг ижроси назорат-таҳлил фаолияти тартибида ўрганилаяпти. Ҳужжатларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, зарур ҳуқуқий механизмларни янада маромига етказишга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилаяпти, қарорлар қабул қилинмоқда. Олимлар, амалиётчи экспертлар, экологлар, ҳуқуқшунослар, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, бир қатор ишчи гуруҳлари ташкил қилинди. Уларда табиатни асраб-авайлаш ва экологияга оид кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларни янада маромига етказиш устида изланишлар давом эттирилаяпти. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда фаол иш олиб борилаётир. Бу борадаги саъй-ҳаракатларни тобора кучайтириш эса аҳолини биохилмахилликни асрашга янада жонбозлик билан камарбаста бўлишга ундайди.

Бугунги кунда республикамиздаги айрим вилоятларнинг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларида давлат кадастрини юритиш сифатини яхшилаш лозимлигини ҳам қайд этиб ўтиш жоиз. Қолаверса, соҳада илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўламини кенгайтириш давр талабидир.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда биологик хилмахилликни асрашга қаратилган эзгу амаллар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этаяпти.

**Борий АЛИХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Фахриддин ХОЛБОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

# «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендининг нуфузи ортмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Бундан ташқари, завод мутахассислари томонидан Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, 1041 вагон қайта тикланиб, хизмат муддати узайтирилди, 248 та йўловчи вагони тележкаси ишлаб чиқарилди, 116 та йўловчи вагони қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили корхонада, шунингдек, “Тошкент метрополитени” унитар корхонаси билан имзоланган шартномага мувофиқ, метро вагонларини мукаммал таъмирлаб, қайта қуришга киришилган эди. Бугунги кунгача 90 та метро вагони тележкаси буюртмачига етказиб берилган бўлса, шу кунларда замонавий метро поездининг дастлабкисини топширишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Сўнгги технология асосида қайта қурилган вагонларда яратилган шароитлар энг нозик дидли йўловчиларга ҳам манзур бўлиши, шубҳасиз. Муҳими, бу жараёнда маҳаллий хом ашёлардан унумли фойдаланилаётгани боис метро вагонларининг таннархини икки баробар камайтиришга эришилди.

— Ушбу лойиҳа доирасида жорий йил охиригача ҳар бири тўртта вагондан иборат бўлган бешта метро поездини ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди заводнинг тележка ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Озод Тўраев. — Келгуси йилдан бошлаб эса, электр энергияни 30 фоизгача тежайдиган, ички ва ташқи кўриниши жиҳатидан ҳозирги вагонлардан тубдан фарқ қилувчи ҳамда йўловчилар учун ҳар томонлама хавфсиз бўлган янги турдаги метро вагонлари ҳам ишлаб чиқарилади.

Яқинда корхонада яна бир янгиликка қўл урилди. Гап шундаки, тажриба сифатида трамвайларни қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқариш бошланди. Демак, яқин кунларда кўчаларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган трамвайлар қатновига ҳам гувоҳ бўламиз.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда “Toshkent yo‘lovchi vagonlarini qurish va ta’mirlash zavodi” акциядорлик жамиятининг 960 нафарга яқин аҳил жамоаси ўз олдига юксак мақсадларни қўйган ҳолда, ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Бунда уларга тизимда яратилган имконият ва шарт-шароитлар муҳим омил бўлаяпти.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, Мирзо МУРОТОВ.**

# ТЕРРОРИЗМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда, терроризм, диний экстремизм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон муҳим ўрин тутаётгани алоҳида таъкидланди. Евроосиё гуруҳи мажлисининг Тошкентда ўтказилаётгани муҳим воқеа бўлиб, бу мамлакатимизнинг глобал таҳдидларга қарши курашишда фаол иштирок этаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Мажлисда истиқлол йилларида Ўзбекистонда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимни такомиллаштиришга доир салмоқли ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

2004 йилнинг августида Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган. 2009 йилда ушбу қонунчилик ҳужжати халқаро стандартлар ҳисобга олинган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинган. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 21 апрелдаги “Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги яна бир муҳим ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ушбу соҳани тартибга соладиган махсус давлат ваколатли органи ҳисобланади. Унинг таркибида молиявий таҳлил, тезкор-қидирув фаолияти ва тергов бўлимлари иш юритмоқда. Бу эса бир идора доирасида шубҳали молиявий операциялар ҳақида маълумот олиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ва жиноий иш қўзғатиш имконини бермоқда.

Евроосиё гуруҳининг ялпи мажлисида мазкур департамент бу борада фаол иш олиб бораётгани қайд этилди. 2011 йилда имзоланган Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги шартномани амалга оширишда мамлакатимизнинг ваколатли органи ҳисобланган ушбу департамент ҳамкор ташкилотлар билан ахборот алмашишни сезиларли даражада фаоллаштирди. Масалан, 2011 — 2014 йилларда идора томонидан хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва молиявий разведка бўлимларининг 128 сўрови кўриб чиқилди. Шу даврда чет давлатларнинг ваколатли органларига ўттиздан зиёд шундай сўров юборилди. Умуман олганда, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ўттиздан ортиқ давлатнинг бу йўналишда фаолият юритаётган органлари билан ҳамкорлик қилиб келаётир.

— Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш бугунги кунда жаҳон миқёсидаги долзарб муаммо бўлиб, глобал ечимлар ва халқаро ҳамкорликни талаб этмоқда, — деди молиявий хавфсизлик масалалари бўйича халқаро стратегик маслаҳатчи Жузеппе Ломбардо (Италия). – Ўзбекистон ушбу ишларда фаол иштирок этиб, Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, етакчи халқаро ташкилотлар мамлакатимизнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича тизими самарадорлигини эътироф этмоқда. Базель бошқарув институтидек нуфузли ташкилот Ўзбекистонни Италия, Испания, Канада, Жанубий Корея ва АҚШ каби мамлакатлар қаторида ноқонуний пул ўзлаштириш хавфи энг кам давлатлар гуруҳига киритган.

Мамлакатимизда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Айни пайтда “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага кўра, Солиқ кодексига Ўзбекистон резидентлари томонидан оффшор зоналарда ташкил этилган компанияларни назарда тутувчи “назорат қилинадиган хорижий компаниялар” тушунчаси киритилган. Бундай компанияларда иштирок этадиган солиқ тўловчилар солиқ органларига тегишли ахборот тақдим этиши шарт. Бунинг самарасида оффшор зоналарда даромадни ўзлаштириш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш йўлига яна бир ишончли тўсиқ қўйилади.

Пул маблағларини ўзлаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ томонидан 2012 йилнинг февраль ойида янги тавсиялар қабул қилиниши идоралараро ҳамкорликни мувофиқлаштириш механизмларини янада такомиллаштиришни тақозо этди. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда мазкур тавсияларни ўрганиш ва татбиқ этиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилиб, самарали фаолият кўрсатмоқда. Унинг фаолияти янги халқаро норма ва талабларни амалиётга босқичма-босқич имплементация қилишга қаратилган.

Евроосиё гуруҳи ялпи мажлисида ушбу гуруҳ фаолияти самарадорлигини янада ошириш, минтақа давлатлари ва тегишли халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни кенгайтириш, ташкилот таркибига янги аъзоларни қабул қилиш масалалари кўриб чиқилди. Пул маблағларини ўзлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича миллий тизимларни такомиллаштириш мақсадида илғор халқаро ва миллий тажриба ўрганиб чиқилди. Ташкилот гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, кун тартибига киритилган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

— Ялпи мажлис юксак савияда ташкил этилгани ва самарали ўтаётганини таъкидламоқчиман, — деди Франция Ташқи ишлар вазирлиги вакили Сара Шерион. — Ҳам минтақавий, ҳам жаҳон миқёсида катта аҳамиятга эга бўлган ушбу тадбир Евроосиё гуруҳи аъзолари ва кузатувчиларига бу борада тажриба алмашиш бўйича катта имконият бермоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳининг 22-ялпи мажлиси очиқлик ва ўзаро ишонч, долзарб масалалар юзасидан амалий фикр алмашиш руҳида ўтмоқда.

**Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири.**

# Инновация ва тараққиёт

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу жиҳатдан айтганда, Ўзбекистонимизда илмий изланишлар олиб бориш учун барча қулайлик яратилган бўлиб, инновацион ишланмалар, технологиялар ва лойиҳалар муаллифлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, интеллектуал мулк яратувчилар моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинаяпти. Бу эса, ўз навбатида, уларни саноат тармоқларини жадал ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни жорий этишга хизмат қиладиган илмий ишланмалар яратишга ундаётир.

— Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу ярмарка биз, олимларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир, — дейди Тошкент давлат аграр университетининг Мевачилик, сабзавотчилик ва узумчилик кафедраси доценти Нуриддин Фахриддинов. — Чунки бу тадбир нафақат янги технологияларни намойиш этиш, балки амалиётга кенгроқ татбиқ қилиш, ҳамкорлар топиш имконини яратиб бераяпти. Биз, масалан, интенсив усулда кўчат етиштириш технологияси бўйича 250 миллион сўмлик шартномалар имзоладик. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, лимон ва бошқа мевали дарахт кўчатлари сунъий туман ҳосил қилиб кўпайтирилиши туфайли уларнинг мевага кириши тезлашади. Ҳосилдорлиги эса ошади. Айтайлик, анъанавий усулда етиштирилган лимон кўчати тўрт йилда нишона мева тугиб, ўртача ҳосилдорлиги гектарига 35-40 тоннани ташкил этса, янги технология туфайли бу давр бир йилга қисқариб, ҳосилдорлик 70-75 тоннагача кўтарилади.

Умуман, Тошкент давлат аграр университети томонидан тақдим этилган 22 та инновацион ишланманинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, даромадни кўпайтиришга қаратилгани боис деҳқон ва фермерларнинг диққат-эътиборида бўлди. Айниқса, ошқовоққа бодрингни пайванд қилиш технологияси барчани қизиқтирди.

Унинг муаллифи Салоҳиддин Юнусовнинг айтишича, бу янги усул кейинги йилларда кузатилаётган иқлим ўзгаришлари таъсири шароитида ҳам мўл ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Чунки қовоқнинг илдиз тизими турдошларига нисбатан ерга чуқур жойлашгани ва мустаҳкам бўлгани учун сув тақчиллиги, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли. Қолаверса, ўсиш даври узоқ бўлгани туфайли унга уланган бодринг, қовун ва тарвуз мевасини кеч кузгача териб олиш мумкин.



Бу йилги ярмаркада намойиш қилинган инновацион технологиялар шу каби янгиликларга бойлиги, маромига етказилгани, энг асосийси, иқтисодиётимиз тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб яратилгани сабаб иштирокчиларнинг деярли барчаси амалий ҳамкорлик ўрнатишга эришди.

— Ярмарка бизнинг жамоамиз учун ҳам жуда самарали бўлди, — дейди Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Муҳаммадкарим Мирзахонов. — Жумладан, биз еттита ишланмамизни амалиётга жорий қилиш бўйича умумий қиймати 415 миллион сўмлик шартномалар имзолашга муваффақ бўлдик.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, нуфузли ярмаркага ўтган давр мобайнида тўпланган тажриба асосида пухта тайёргарлик кўрилиб, интеллектуал мулк яратувчилар томонидан келиб тушган юзлаб аризалар атрофлича ўрганилди. Натижада улар орасидан энг истиқболли ва самарали ихтиролар саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ҳамда фармацевтика, ахборот технологиялари, фан ва таълим йўналишлари бўйича саралаб олинди. Ишланмаларнинг аксарияти экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босувчи технологиялар бўлиб, шундан 70 дан зиёди иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг интеллекти маҳсули эканлиги, айниқса, қувонарлидир.

VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилаётган "Энг яхши инновацион ғоя" республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими билан якунланди.

Ярмаркага ташриф буюрган, унинг кундалигини яқиндан кузатган киши борки, юртимиз олимлари томонидан яратилаётган инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илғор ғоялар нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам яхшиланиб бораётганига яна бир карра амин бўлди. Бу Ўзбекистонимизнинг илмий-техникавий салоҳияти юксалиб, интеллектуал бойлиги тобора кўпайиб бораётганидан, пировардида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор қўйилаётганидан ёрқин нишонадир!

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ,
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Тадбиркорликнинг ишончли ҳимояси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Яқинда эса биз тадбиркорларга яратилган яна бир қулайликдан фойдаландик: қаровсиз қолган иншоот 300 миллион сўмлик инвестиция киритиш шарти билан "ноль" қийматида ихтиёримизга берилди. Бу, шубҳасиз, бизнес фаолиятимизни янада кенгайтириш, иш ўринлари яратиш, бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришимиз учун рағбатлантирувчи омилдир.

**Гулбаҳор МУРОДОВА, Ғаллаорол туманидаги "Сарафроз плюс" хусусий корхонаси раҳбари:**

— Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ, ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари негизида "бир дарча" тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш Ягона марказлари ташкил этилаётгани айни муддаодир. Нега деганда, биргина шу оқилона чора орқали ишбилармонлар қатор оворагарчиликлар, беҳуда вақт йўқотишлардан халос бўлаяпти. Бу эртасини ўйлаган, юрт фаровонлигини ошириш мақсадида меҳнат қилаётган тадбиркор учун катта имконият ҳисобланади.

Тикувчиликка ихтисослаштирилган корхонамиз фаолияти ўтган йилдан бошлаб янада кенгайди. Аниқроғи, банкнинг 120 миллион сўм миқдоридаги кредити эвазига хориждан яна 50 та тикув ва тўқув машинасини харид қилиб, Бахмалсой қишлоғида ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Натижада йил охиригача буюртмачиларга 200 миллион сўмлик тайёр маҳсулот етказиб беришга муваффақ бўлдик. Насиб қилса, жорий йилда бу кўрсаткични 300 миллион сўмликка етказиш ниятидамиз.

Қувонарлиси, туманимизда биз каби ана шундай эзгу мақсад йўлида фаолият юритаётган тадбиркорлар бисёр. Уларнинг сафи бундан-да кенгайишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, Фармонда белгилаб берилган қулай шароитлар ишбилармонларга қанот бахш этади.

ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги**

**Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби бўғинидаги ихтисослаштирилган хореография ўрта мактаби**

**2015/2016 ўқув йили учун ўқувчилар қабулини эълон қилади.**

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХОРЕОГРАФИЯ ЎРТА МАКТАБИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ.**

Хореография ўрта мактабига рақс санъатига қобилияти бор иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

**«КЛАССИК РАҚС»** бўлимига ўрта таълим мактабининг 4-синфини битирган 10-11 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Мазкур мактабнинг 9-синфини хореография соҳаси бўйича муваффақиятли битирган ўқувчилар хореография коллежининг хореография таълим йўналишига тўғридан-тўғри қабул қилинадилар ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича 3 йил ўқиб, диплом оладилар.

**«ХАЛҚ РАҚСИ»** бўлимига умумий ўрта мактабнинг 7-синфини битирган 13-14 ёшли ўқувчилар қабул қилинади. Мазкур мактабнинг 9-синфини битирган ўқувчилар хореография коллежига қабул қилинадилар ва ўзлари танлаган мутахассислик бўйича 3 йил ўқиб, диплом оладилар.

Ихтисослаштирилган ўрта мактабда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

***Ҳужжатлар 2015 йил 20 майдан 30 майгача қабул қилинади.***
***Ижодий синовлар 1 июндан 5 июнгача бўлиб ўтади.***
***Қўшимча қабул ва ижодий имтиҳонлар 2015 йил 20-23 август кунлари ўтказилади.***

***Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:***
— ректор номига ариза (ўқувчиларнинг ота-онаси ёрдамида тўлдирилади);
— туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
— 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
— эмлаш картаси № 063, № 026-шаклдаги мактаб шифокори тасдиқлаган тиббий карточка нусхаси, соғлиғи тўғрисида яшаш жойидаги оилавий поликлиникадан 086-шаклдаги тиббий маълумотнома;
— мактаб табели нусхаси;
— мактабдан тавсифнома;
— тураржойидан маълумотнома (маҳалла фуқаролар йиғинидан);
— ота-онасининг иш жойидан маълумотнома;
— 1 дона файл-папка (20 варақли).

***Ихтисослик бўйича маслаҳатлар май ойининг ҳар шанба кунлари соат 14.00 дан 17.00 гача ўтказилади.***

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабига қабул қилиш учун ижодий (касбий) синов 3 тур асосида ўтказилади.

**I тур** — ташқи саҳнабоплик кўрсаткичлари (юзи, қомати, гавда тузилиши ва ҳоказо) ҳамда касбга лаёқати (оёқ очилиши, кўтариш, қадам ташлаш, сакраш, эгилувчанлик).
**II тур** — тиббий кўрикдан ўтиш (асосий эътибор гавда, қўл, оёқ скелетларининг тузилиши, мушаклар бақувватлиги, асаб, юрак, ўпка, кўриш аъзоларининг соғлом эканига қаратилади).
**III тур** — мусиқа қобилиятлари (бунда ўқувчиларнинг рақс, мусиқа ва ритмга салоҳияти аниқланади) ҳамда ўқувчиларнинг умумтаълим фанларидан билимларини аниқлаш учун она тили ва математика фанларидан тест синовлари ўтказилади.

Аввалги турдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар кейинги турга қўйиладилар. Ҳамма синовлар якуни бўйича қабул ҳайъати аъзолари ихтисослаштирилган хореография ўрта мактабига ўқувчиларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

Ихтисослаштирилган хореография ўрта мактаби ўқувчилари сафига қабул қилиш ректор буйруғи билан расмийлаштирилади. Вилоятлардан келган ўқувчилар ётоқхона ва иссиқ овқат билан таъминланадилар.

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар: (0-371) 256-24-36, 256-37-13 ҳамда www.mrxom.zn.uz электрон сайти орқали олиш мумкин.**
**Олий мактаб манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй. Мўлжал — метронинг «Космонавтлар» бекати. Транспорт: 140-автобус ва 67-йўналишли таксининг «Хореография олий мактаби» бекати.**

681R/326

**Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

«Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри»ни яратиш учун зарур бўлган сервер қурилмалари, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналарни харид қилиш TE.DSQ.2015-1» лойиҳаси бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади ҳамда тендерда қатнашишга маҳаллий ва хорижий ташкилотларни, шу жумладан, кичик бизнес субъектларини таклиф этади.

- Тендер предмети — «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри»ни яратиш учун зарур бўлган сервер қурилмалари, компьютер техникаси ва бошқа асбоб-ускуналарни харид қилиш.
- Товарни етказиб бериш муддати — 60 банк кунигача.
- Қурилмаларни ўрнатиш, созлаш ва ишга тушириш муддати — 120 календарь кунигача.
- Харид қилинадиган товарнинг энг юқори баҳоси — 1 492 000 АҚШ доллари, маҳаллий ташкилотлар учун тендер савдоларига таклиф берилаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича.
- Тендер таклифларини қабул қилиш — 2015 йил 22 июнь соат 18.00 гача.
- Тендер ҳужжатларини харид қилиш баҳоси — 550 АҚШ доллари, маҳаллий ташкилотлар учун — тўлов амалга ошириладиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича сўмда.
- Тендер иштирокчилари учун тендер таклифларини топширишдаги бўнак суммаси миқдори — 14 920 АҚШ доллари, маҳаллий ташкилотлар учун — тўлов амалга ошириладиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича сўмда.

**Тендерда қатнашиш учун ҳужжатлар тўпламини тендер комиссиясининг ишчи органидан қуйидаги манзил бўйича харид қилиш мумкин:**
**Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.**
**Телефонлар: (0-371) 244-97-14, 244-97-57, 244-97-30. Факс: (0-371) 244-22-96.**

743A/373

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сурхондарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 27 январдаги 1-226-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 91-уйда жойлашган, умумий майдони 522,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 1955 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 71 021 860 сўм.***

**2.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 7 мартдаги 1-573-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Зиё Саид кўчаси, 2-уйининг 1-қисмида жойлашган, умумий майдони 255,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 хонадан иборат, 1962 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 65 340 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2013 йил 23 сентябрдаги 1-3726-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 41-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 248,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 4 хонадан иборат, 1980 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 51 772 800 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 27 январдаги 1-228-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Маржон кўчаси, 21-уй, 9-хонадонда жойлашган, умумий майдони 67,6 кв.м. бўлган, 2 қаватли уйининг 1-қаватидаги 3 хонадан иборат, 1977 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 71 075 975 сўм.***

**5.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 27 январдаги 1-218-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 25-уйда жойлашган, умумий майдони 599,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 3 хонадан иборат, 1957 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 64 470 000 сўм.***

**6.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 7 мартдаги 1-569-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 47-уй, 30-хонадонда жойлашган, умумий майдони 72,3 кв.м., 4 қаватли уйининг 1-қаватидаги 3 хонадан иборат, 1972 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 40 938 150 сўм.***

**7.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 7 мартдаги 1-1572-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Увайсий кўчаси, 47-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 530,0 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 5 хонадан иборат, 1992 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 50 215 000 сўм.***

**8.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2014 йил 26 июндаги 1-1750-2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Ф. Абдуллаев кўчаси, 4-уй, 1-хонадонда жойлашган, умумий майдони 27,1 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 2 хонадан иборат, 1960 йилда қурилган уй-жой қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 53 262 276 сўм.***

**9.** Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2015 йил 17 февралдаги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Беруний кўчасида жойлашган, «Йўлдошмурод» МЧЖга тегишли, умумий майдони 582,55 кв.м. бўлган, 15 хонали, 2 қаватдан иборат ертўлали дорихона биноси қўйилмоқда.
***Бошланғич баҳоси — 314 325 108 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 25 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 23 июнь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона. Телефон: (0-376) 221-77-94.**
**www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz**

Хизматлар лицензияланган.

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади.

Сиз савдолардаги мавжуд кўчмас мулк объектлари, уларга нисбатан ҳуқуқлар бўйича маълумотларни **www.1kms.uz** сайти орқали олишингиз мумкин.

**Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.**
**Факс: (0-371) 228-80-24.**

734R/2

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*"АҚШнинг Калифорния штати Санта-Барбара шаҳрида фавқулодда ҳолат эълон қилинди", дейилади маҳаллий телеканаллар хабарида.*

## Уммондаги «қора олтин»

Гап шундаки, ҳудуднинг шимоли-ғарбий қисмида, Тинч океани қирғоқлари яқинида минг литрдан зиёд нефть оқиб кетган. Бунга "All American Pipeline LP" ташкилотига қарашли қувурлардан бирида юзага келган носозлик сабаб бўлган. Штат маъмурияти наботот ва ҳайвонот оламини сақлаб қолиш учун зарур чоралар кўрилаётганини билдирди. Ўз навбатида, ҳудуд яқинида чўмилиш, балиқ овлаш тақиқлаб қўйилди.

## Нуқсон ортидан зарар

*Япониянинг "Toyota", "Nissan", "Honda" ва бошқа русумдаги автомобилларига ўрнатилган хавфсизлик тизимида талай нуқсонлар аниқлангани боис биргина АҚШ бозоридан 34 миллион дона машина қайтариб олинадиган бўлди.*



Ана шу камчиликларни бартараф этиш хавфсизлик ёстиқчалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фирма — "Takata" зиммасига юклатилган. "Ассошиэйтед пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, тизимдаги камчилик туфайли йўл-транспорт ҳодисалари рўй берган вақтда олти киши ҳаётдан кўз юмган, юздан зиёд ҳайдовчи жароҳатланган.

Айни пайтда "Takata" хизматларидан 11 автомобиль компанияси фойдаланади. Юқоридаги ҳолатдан кейин уларнинг акциялари нархи сезиларли даражада пасайди.

## Фаолиятини кенгайтирмоқчи

*Европадаги "Altice" телекоммуникация гуруҳи "Suddenlink Communications" компанияси (АҚШ)нинг 70 фоиз акцияларини сотиб олиш юзасидан келишувга эришди.*

"Франс пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, бу борадаги шартноманинг қиймати 9,1 миллиард долларга баҳоланган. Ушбу янгиликдан кейин "Altice" акциялари нархи 7 фоиз кўтарилди.

## Энг юпқа телевизор

*Жанубий Кореянинг "LG" компанияси дунёдаги энг юпқа телевизорни кенг оммага таништирди.*



Унинг қалинлиги бир миллиметрдан ҳам кам бўлиб, ҳажми 55 дюймга тенг. Оғирлиги эса 1,9 килограммни ташкил қилади. Телевизор деворга магнит ёрдамида ўрнатилади. Янги маҳсулотни шу йилнинг куз ойларида сотувга чиқариш режалаштирилган.

"LG" компаниясининг ҳозир сотувда бўлган энг юпқа телевизори 4,3 миллиметр қалинликка эга.

## Рекорд азоби

*Англиянинг Эссекс графлигида яшовчи Жейсон Бринклет Гиннеснинг рекордлар китобига киритилгани заҳоти шифохонага ётқизилди.*




"Дэйли Миррор" нашрида ёзилишича, у рекорд ўрнатиш мақсадида 12 соату 5 дақиқа ва 5 сония давомида тўхтамай барабан чалган. Мақсадига эришганидан сўнг шифокорларга билакларини ҳис қилмаётганини айтган. Мутахассислар Жейсонни текшириб кўриб, унинг қўли жиддий жароҳат олганини, аммо тез орада соғайиб кетишини маълум қилишган.

Барабанни энг узоқ вақт давомида чалиш бўйича аввалги рекорд филиппинлик Жастин Даниэль Ардега тегишли бўлиб, у 12 соату беш сония натижа қайд этган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси Ахборот назорати ва хабар узатиш хизмати бош муҳаррири ўринбосари Зиёдулла Жонибековга падари бузруквори

**Тоштемир ота ЖОНИБЕКОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси Ташқи алоқалар бўлимининг собиқ раҳбари, меҳнат фахрийси

**Карима МАҲМУДОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси Патологик физиология, одам анатомияси ва гистология, цитология, эмбриология кафедрасининг катта ўқитувчиси Элмаз Ҳусановага волидаи муҳтарамаси

**ШАЗИЕ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# БАХТЛИ БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Болаларнинг овқатланиш рациони, уларнинг саломатлигини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳам эътибор тобора кучайтирилмоқда. Бу йўналишда ҳам бир қатор янгиликлар жорий қилинди. Хусусан, таом турларини кўпайтириш, дармондорига бой дамламалардан фойдаланиш кўзда тутилган. Самарқанддаги “Юлдузча” оромгоҳида синовдан ўтказилган ушбу тажриба жорий йилдан барча оромгоҳларга татбиқ этилади.

Бу йил болаларни соғломлаштириш мавсуми 1 июндан бошланади. Мазкур даврда жами 1 минг 149 та оромгоҳ фаолият кўрсатади, шундан 213 таси стационар, 795 таси кундузги ҳамда 141 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир. Таъкидлаш керакки, мавсум давомида 287 минг 171 нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган. Ушбу мақсад учун жами 39 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Бу йил ҳам ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилади. Хусусан, Оролбўйи минтақасидан 4,5 минг нафар бола Тошкент шаҳри, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларидаги сўлим оромгоҳларда бепул дам олади. Касаба уюшмалари томонидан 50 минг оила фарзандлари жамоа шартномалари ва келишувлари орқали бепул ҳамда имтиёзли, Меҳрибонлик уйларининг 2 минг нафар тарбияланувчилари ва жисмоний имконияти чекланган болалар бепул йўлланма билан таъминланади. Қолаверса, 2 минг нафар онаболалар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлайди. Маҳаллаларда яшаётган кам таъминланган оилаларнинг 600 нафар фарзанди ҳамда ота-онасиз болалар бепул дам олиш имкониятидан фойдаланади. Касаба уюшмалари ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида Сариосиё ҳамда Узун туманларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзанди бепул соғломлаштирилади.

Кундузги оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштириш, мазмунан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Кундузги оромгоҳнинг кунлик фаолияти тажриба сифатида соат 8.00 дан 14.00 гача давом этиши кўзда тутилмоқда. Оромгоҳ ёзги майдонча сифатида ташкил этилиб, махсус дастурлар асосида болалар учун маданий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилади ва тўгараклар фаолият юритади. Болалар бир маҳал иссиқ овқат билан таъминланади. Шунингдек, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, қатор вазирлик ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорликда академик лицейлар ўқувчилари учун лицейларда, коллеж ўқувчилари учун турли ташкилотлар ва фермер хўжаликлари қошида соат 08.00 дан 14.00 гача меҳнат ва дам олиш оромгоҳлари ташкил этилади. Бу ерда лицей ўқувчилари ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланса, коллеж ўқувчилари ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдилар. Қолаверса, улар учун маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақалари уюштирилади.





Болаларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ихтисослаштирилган оромгоҳлар фаолияти янада такомиллаштирилаётганини ҳам айтиб ўтиш ўринли. Бу йил юртимиз бўйича 220 та ана шундай оромгоҳ ташкил қилинади. Шундан 14 таси интеллектуал ривожлантириш, 14 таси сиҳарбий-спорт, 8 таси ижтимоий-мослашув, 14 таси экологик-биологик, 14 таси техник ижодкорлик, 14 таси бадиий ижодкорлик, 141 таси эса меҳнат ва дам олиш оромгоҳи сифатида фаолият юритади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан бир неча йилдан буён Тошкент вилоятидаги “Қуёшли” оромгоҳида интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи фаолияти йўлга қўйиб келинмоқда. Бу йил ушбу масканда турли фанлар бўйича ўтказилган “Билимлар беллашуви”нинг 500 нафар ғолиби бепул соғломлаштирилади. Эътиборлиси, бундай оромгоҳлар бошқа ҳудудларда ҳам ташкил этилади.

Мавсумни самарали ўтказишда вазирликлар ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари фаоллик кўрсатаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, Ички ишлар вазирлиги томонидан оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ходимлар бириктирилди, уларга автотранспорт ҳамда алоқа воситалари ажратилди. Халқ таълими вазирлиги томонидан барча оромгоҳларда таълим-тарбия жараёнини мазмунли ташкил этиш, малакали кадрларни йўналтириш чоралари кўрилди. Шу мақсадда 5 та ўқув-услубий қўлланма чоп этилди. Айниқса, тўгаракларни ташкил қилишга жиддий эътибор қаратилиб, чет тилини ўргатиш ва ихтисослаштирилган оромгоҳлар дастурлари янада кенгайтирилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан оромгоҳларда тиббий хизмат кўрсатилиши, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини мунтазам назорат қилиш чоралари белгилаб олинди.

Оромгоҳларда тубдан янгиланган дастурлар асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, болалар маънавиятини юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, акциялар ўтказилади. “Мустақиллик — менинг тақдиримда”, “Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакати”, “Касаба уюшмалари — болаларга” акциялари шулар сирасидандир. Ёзувчилар, санъаткорлар, спорт усталари, ёши улуғ инсонлар билан учрашувлар ва давра суҳбатлари ташкил этилади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, оромгоҳлар фаолиятини ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун болаларга мос қўшиқ, шеър ва мусиқаларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланган эди. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг январь — апрель ойларида Республика ижодий танлови ташкил қилинди. Тақдим этилган 600 дан ортиқ ижодий ишлар орасидан 30 дан зиёд қўшиқ, 100 дан ортиқ шеърлар танлаб олинди. Оромгоҳларда миллийлик ҳамда ватанпарварлик руҳига йўғрилган куй-қўшиқлар, фильмлардан фойдаланиш мақсадида болаларбоп шеър, куй-қўшиқлардан иборат дисклар, “Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари учун тадбирлар сценарийлари” тўпламлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларига етказилди. Услубий қўлланмалар, тавсиялар, 37 та номдаги ҳужжатли ва бадиий фильмлар, мультфильмлар билан ҳам таъминланди.



Сирасини айтганда, Республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи томонидан болаларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумига пухта ва уюшқоқлик билан тайёргарлик кўрилмоқда. Бу юртимизнинг эртанги куни бўлган ўғил-қизларимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлаб олишлари, пировардида таътилни мазмунли ўтказишларига замин яратади. Зеро, шу азиз Ватан ардоғида камолга етган ёш авлод ғамхўрликдан руҳланиб, мамлакатимиз эришаётган ютуқлар салмоғини янада оширишга, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини бундан-да юксалтиришга интилиши, шубҳасиз.

**Танзила НАРБАЕВА,**
**Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи гуруҳи раиси ўринбосари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси.**

## Маданият хабарлари



АНЖУМАН

*Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни” мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.*

### Миллий қадриятлар ва ёшлар

Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари вакиллари, профессор-ўқитувчилар, ижодкорлар ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

Республика Байналмилал маданият маркази, Маънавият тарғибот маркази, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг миллий қадриятларини тиклаш, ёш авлодни Ватанга садоқат, маънавий меросимизга ҳурмат руҳида камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида сўз юритилди.

— Мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакилларининг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилган, — дейди қозоқ миллий-маданий маркази вилоят бўлими раҳбари Турехан Нуримбетов. — Мазкур тадбирда вилоятимизда яшаб, юртимиз равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган турли миллат вакиллари эришаётган ютуқлар эътироф этилиб, ўзаро дўстлик ва ҳурмат ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги ишларнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Анжуман доирасида “Инсон азиз, Ватан муқаддас!” номли кўргазма ҳамда “Кекса авлодга ҳурмат ва эътибор — юксак маънавият ифодаси”, “Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда” мавзуларида давра суҳбатлари ҳам ташкил этилди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИЗЛАНИШ

*Юқори Чирчиқ туманилик Зоир Зоҳидов ёш бўлишига қарамай, ҳунари орқасидан қатор хорижий мамлакатларда ташкил этилган халқаро фестивалларда ўзбек миллий ҳунармандчилиги маҳсулотларини муваффақиятли намойиш қилди.*

### Ёғочдан санъат асари

Энг муҳими, ёғочдан санъат асари даражасига етказиб ишлаган буюмлари нуфузли танловларда юксак эътироф этилди.

— Чет элда миллий ҳунармандчилик маҳсулотларимизнинг ихлосмандлари жуда кўп, — дейди Зоир Зоҳидов. — Улар миниатюра тасвирлари туширилган ва сирланган сувенирлар, айниқса, ёғочлаган ва мутолаа лавҳаларимизга кўпроқ қизиқиш билдиришмоқда.

Ижодкор мўъжазгина устахонасига ҳам эга. Бу ерда у касб-ҳунар коллежларини битирган 7 нафар йигитни ёнига олган. Ёшлар айни пайтда хорижлик буюртмачилар талабига биноан, 20 миллион сўмлик ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлашга киришишган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЭЪЛОНЛАР

RESPUBLIKA MULK MARKAZI AJ RMM AKSIYADORLIK JAMIYATI

**20 ЙИЛЛИК ВАҚТ БИЛАН СИНАЛГАН ИШОНЧЛИ ҲАМКОР**

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги барча фуқароларни хўжалик юритувчи субъектлар устав фондидаги улушлари, автомототранспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва кўчмас мулк ҳисобланмайдиган бошқа турдаги давлат ва нодавлат мол-мулкларнинг оммавий савдоларида иштирок этишга таклиф қилади.

**Телефонлар: (0-371) 228-79-52, 228-80-31. www.rmm.uz**

**«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» АЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига «O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi birlashgan tahririyati»нинг 2015 йил 15 майдаги 36/152/1-сонли буюртма хатига асосан, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уйда сақланаётган, «Nexia DOHC» русумли, давлат рақами 01/531 PDA бўлган, 2003 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 20 206 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 23 июнь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2015 йил 19 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсга 30 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika mulk markazi» АЖнинг АИТ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

747R/17

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.**

Гувоҳнома № 001580.

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

05/564

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**қуйидаги лойиҳа/тадбирларни бажариш учун танлов эълон қилади.**

**1.** Зомин миллий табиий боғи ва Зомин ўрмон хўжалиги ҳудудидаги арчазорларни зараркунанда ҳамда касалликлардан ҳимоя этиш (бажариш муддати — 2015 йил).

**2.** Сурхондарё вилояти ҳудудида қайта тикланувчи энергия манбаларидан (биогаз олиш ускунаси) фойдаланилган ҳолда иссиқхоналар мажмуасини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш (бажариш муддати — 2015 йил).

**Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун муддат ичида Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5-уйда ёки (+998 71) 239-49-21 рақамли факс ва fond@uznature.uz электрон почта орқали қабул қилинади.**

***Белгиланган муддатдан кейин келиб тушган таклифлар кўриб чиқилмайди.***

735A/361

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.** 9.00 дан 18.00 гача 232-11-15, 236-09-25. E-mail: reklama@xs.uz 02



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 567. 119 619 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабboev.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5